

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАРИПОВ КУВОНДИК БАХТИЁРОВИЧ

КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДА ТАРМОҚ БЎЙИЧА
ИХТИСОСЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.15 – Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти
08.00.01 – Иқтисодиёт назарияси (иқтисодиёт фанлари)

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Шарипов Кувондик Бахтиёрович

Кичик тадбиркорлик фаолиятида тармоқ бўйича ихтисослашув
жараёнларини такомиллаштириш 3

Шарипов Кувондик Бахтиёрович

Совершенствование процессов отраслевой специализации в
деятельности малого предпринимательства 27

Sharipov Kuvondik Bakhtiyorovich

Improving the processes of industry specialization in small businesses 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 55

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАРИПОВ КУВОНДИК БАХТИЁРОВИЧ

КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДА ТАРМОҚ БЎЙИЧА
ИХТИСОСЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.15 – Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти
08.00.01 – Иқтисодиёт назарияси (иқтисодиёт фанлари)

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
қўшма қўмитаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Iqt.868 рақам билан
қўбўлиб олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодийёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-
саҳифасида (www.tsue.uz) ва «Ziyou.net» Ахборот таълим порталида (www.ziyou.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Гафуров Убайдулло Вахабович
иқтисодийёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Салаев Санъатбек Комилович
иқтисодийёт фанлари доктори, профессор

Тўхлиев Нурилом
иқтисодийёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Тошкент молия институтини


Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодийёт университети хузуридаги илмий даражалар
берувчи DSc.03/10.12.2019.1.16.01 рақамли Илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг
2020 йил «28» декабрь соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100003,
Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51.
E-mail: tdiu@tdiu.uz).


Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодийёт университетининг Ахборот-ресурс марказида
таништириш мумкин (1023 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51. E-mail: tdiu@tdiu.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «14» декабрь куни тарқатилди.
(2020 йил «14» декабрь даги 43 - рақамли реестр баённомаси).




Н.Х. Жумаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
асосида бир марталик илмий кенгаш
раиси, и.ф.д., профессор


Б.Д. Хажиев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
асосида бир марталик илмий кенгаш
илмий котиби, и.ф.и., доцент


К.Б. Ахмеджанов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
асосида бир марталик илмий кенгаш
қўшма қўмитасидаги илмий семинар
раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тараққиёт тажрибаси иқтисодиётда кичик бизнеснинг аҳамиятли ўрни ва роли тўғрисидаги аниқ тасаввурларнинг шаклланишига олиб келди. «Хорижий мамлакатларда кичик бизнес рақобатнинг ривожланишини рағбатлантиради, йирик компанияларни янги технологияларни жорий этиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини яхшилашга «ундайди», бутун иқтисодиётнинг самарадорлиги бевосита кичик ва ўрта бизнеснинг муваффақиятли фаолиятига боғлиқ. Шунга кўра, ривожланган мамлакатлар асосий мақсади давлат ва бизнеснинг манфаатларини мувофиқлаштириш, тадбиркорлик фаолияти учун оптимал шарт-шароитларни таъминлаш, кичик бизнеснинг рақобатбардошлигини оширишдан иборат бўлган кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш сиёсатини амалга оширади»¹. Бироқ, кичик бизнес ҳам турли давр ва шароитларда ўзига хос ўзгарувчанлик хусусиятларига эга бўлиб, улардан иқтисодий сиёсатни амалга оширишда ўринли фойдаланиш соҳа самарадорлигининг ошишига имкон яратади. Шунга кўра, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида иқтисодиётнинг ҳар бир тармоқ ва соҳасидаги кичик бизнес субъектларининг фаолият хусусиятлари чуқур тадқиқ этилиб, улардаги ихтисослашув жараёнларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари амалга ошириб борилади.

Жаҳонда тармоқ жиҳатидан ихтисослашув жараёнларининг самарадорлигини ошириш, уларни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш, ихтисослашув даражасининг фаолият самарадорлигига таъсирини баҳолаш илмий тадқиқотнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Шунингдек, кичик бизнесни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш, инновацион ғоялар ва технологияларни амалиётга жорий этиш имкониятларини кенгайтириш, иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш ва кучайтириш каби масалаларни тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда қулай муҳит яратиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Ислохотларимиз натижасида ўтган йили 93 мингга ёки 2018 йилга нисбатан қарийб 2 баробар кўп янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. Жаҳон банкининг «Бизнес юритиш» рейтингда 7 поғона кўтарилиб, бизнесни рўйхатга олиш кўрсаткичи бўйича дунёнинг 190 та давлати орасида 8-ўринни эгалладик ва энг яхши ислохотчи давлатлар қаторидан жой олдик»². Бундан кўринадикки, мамлакатимизда бизнес муҳитни яхшилаш, тадбиркорлик субъектлари сонини кўпайтириш орқали ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асосларини таъминлашга эришилмоқда. Ҳозирда Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича ихтисослашув жараёнлари учун муайян даражада беқарорлик ҳослиги кузатилмоқда; аксарият ҳолатларда айрим тармоқларда юқори самарадорликни таъминлаш учун зарур кичик бизнес

¹ Мировые тенденции развития предпринимательской деятельности в экономике зарубежных стран. - <https://articlekz.com/article/15307>

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. - <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>

корхоналарининг улуши етарли бўлмагани ҳолда, бошқа бир тармоқларда мазкур корхоналар улушининг меъёридан ортиши натижасида рақобат даражаси кучайиши ҳамда ўртача фойда меъёри пасайишига олиб келмоқда; кичик бизнес корхоналарининг тармоқлар бўйича ихтисослашув жараёнларини тадқиқ этиш орқали уларнинг мақсадга мувофиқ тарзда амалга ошишига таъсир кўрсатувчи иқтисодий механизмларни таркиб топтириш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ-5583-сон «Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сон «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сон «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 7 июндаги ПҚ-3777-сон ««Ҳар бир оила – тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 январдаги ВМҚ-28-сон «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги тўғрисидаги ҳамда Тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадбиркорлик фаолиятида иқтисодий фаолият турлари жиҳатидан ихтисослашув масалалари бўйича хорижлик олим ва мутахассислардан Р.С.Шварц, М.В.Шатохин, И.В.Анциферова, А.Н.Васильев, Т.Ю.Кудрявцева, Н.П.Жабин, Т.В.Миролюбова, Т.В.Карлина, Т.Ю.Ковалева, С.Н.Растворцева, Е.Э.Колчинская, И.В.Манаева, Н.С.Юдин, В.А.Черкасов, Ю.С.Пиньковецкая, Н.В.Кетько, Э.В.Ситникова, В.В.Олабина, Л.П.Пидоймо, И.Р.Закирова, С.Н.Абдуллина, К.Г.Сафиуллина, Л.Р.Гатауллин, А.В.Дубинина, Д.Г.Демьянов, М.М.Махмудова, А.М.Королева, М.В.Сорокина ва бошқалар илмий тадқиқот ишлари олиб борган³. Кичик тадбиркорлик фаолияти

³ Шварц Р.С., Шатохин М.В., Анциферова И.В. Оценка показателей отраслевой специализации региона. - <https://cyberleninka.ru/article/n/otsenka-pokazateley-otraslevooy-spetsializatsii-regiona>; Ситникова Э.В., Олабина В.В., Пидоймо Л.П. Роль малого бизнеса в развитии экономики России // Известия Юго-Западного государственного университета. 2016. № 4 (21). С. 89-96.; Закирова И.Р. Сервисное предпринимательство в регионе на современном этапе развития // Современные проблемы науки и образования. 2015. № 1 (часть 1). С. 1–8.; Абдуллина С.Н., Сафиуллина К.Г., Гатауллина Л.Р. Малый и средний бизнес республики Татарстан в условиях кризиса // Казанский экономический вестник. 2016. № 4(24). С. 80–87.; Дубынина А.В., Демьянов Д.Г. Структурный потенциал малого и

ривожланишида ихтисослашув жараёнлари билан боғлиқлигининг умумий жихатлари ўзбекистонлик олимлардан Ё.Абдуллаев, Ф.Каримов, А.Н.Самадов, Р.Ходжаев, Ш.Ж.Эргашходжаева, Ш.Юлдашев, М.С.Қосимова, Б.К.Ғойибназаров, У.В.Ғафуров, Д.Т.Юлдашев, Ҳ.П.Абулқосимов, И.А.Бакиева, А.А.Қулматов, М.М.Ибрагимова ва бошқаларнинг ишларида баён этилган⁴.

Амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари ва олиб борилган илмий-назарий изланишларга қарамасдан, айнан кичик тадбиркорликнинг тармоқ жихатдан ихтисослашувининг назарий-услубий масалалари тизимли ҳолда тадқиқ этилмаган. Мазкур ҳолат диссертация ишида келтирилган мунозарали муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан тақдим этилган таклиф ва хулосаларнинг долзарблик даражасини янада оширади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФМ-1 «Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни прогностлашнинг илмий-методик асослари ва усуллари тақомиллаштириш» йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кичик тадбиркорлик фаолиятида тармоқ бўйича ихтисослашув жараёнларини тақомиллаштириш бўйича илмий-услубий ҳамда амалий йўналишдаги таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ихтисослашув жараёнининг иқтисодий мазмуни ва асосий турлари борасидаги назарий қарашларни тизимлаштириш асосида ҳозирги шароитдаги тадқиқот учун янги йўналишларни аниқлаш;

среднего предпринимательства: тенденции и векторы развития // Региональная экономика: теория и практика. 2015. № 4 (379). С. 47–60.; Махмудова М.М., Королева А.М. Анализ современного состояния малого предпринимательства в Тюменской области // Вестник Пермского университета. Сер. «Экономика». 2015. № 1(24). С. 69–78.; Сорокина М.В. Современное состояние и тенденции развития малого предпринимательства в строительстве // Вестник гражданских инженеров. 2016. № 3 (56). С. 304–309.; Васильев А.Н. О некоторых показателях специализации региона // Вестник ТГЭУ. 2007. №3. С. 78–85.; Кудрявцева Т.Ю., Жабин Н.П. Формирование алгоритма идентификации кластеров в экономике региона // Научно-технические ведомости СПбГПУ. Экономические науки. 2014. №3 (197). С. 124–131.; Мирлобова Т.В., Карлина Т.В., Ковалева Т.Ю. Закономерности и факторы формирования и развития региональных кластеров: монография. Пермь: Пермский государственный национальный исследовательский университет, 2013. 283 с.; Растворцева С.Н., Колчинская Е.Э., Манаева И.В. Эффекты модели центр-периферия на примере российских регионов // В мире научных открытий. 2013. №4.1 (40). С. 71–81.

⁴Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. – Т.: Мехнат, 2010. – 349 б.; Абдуллаев Ё., Юлдашев Ш. Малый бизнес и предпринимательство. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 339 с.; Болтабаев М.Р., Қосимова М.С., Эргашходжаева Ш.Ж., Ғойибназаров Б.К., Самадов А.Н., Ходжаев Р. Кичик бизнес ва тадбиркорлик: Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2010. – 275 б.; Ходжаев Р., Эгамбердиев А. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 105 б.; Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Т.: 2008. –365 б.; Ғафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини тақомиллаштириш. Монография. – Тошкент: Молия, 2016. – 208 б.; Юлдашев Д.Т. Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмини тақомиллаштириш. Автореф. ... иқт. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2019; Абулқосимов Ҳ.П., Қулматов А.А. Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасида оилавий тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантириш йўллари. Монография. – Т.: Университет, 2015. – 126 б.; Бакиева И.А. Ўзбекистон энгил сановатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш. Дис. ... иқт. фан. номз. – Т., 2012.; Муродова Н.К. Кичик бизнес субъектларининг тадбиркорлик фаолиятини ошириш йўналишлари. Дис. ... иқт. фан. номз. – Т., 2008.; Муфтайтинов Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. Дис. ... иқт. фан. д-ри. – Т., 2004.; Қулматов А.А. Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари. Дис. ... иқт. фан. номз. – Т., 2004; Ибрагимова М.М. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг таркибий ўзгаришлар асосида самарадорлигини ошириш (Наманган вилояти мисолида). Автореф. ... иқт. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2018.

тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига ихтисослашув жараёнининг таъсирининг асосий йўналишларини тадқиқ этиш;

тадбиркорлик фаолиятида ихтисослашув даражасини баҳолашнинг услубий асосларини тадқиқ этиш ва такомиллаштириш;

Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик фаолиятида ихтисослашув жараёнларининг ривожланганлик даражасини баҳолаш;

кичик тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича ихтисослашувидаги асосий тенденцияларни очиқ бериш;

ихтисослашув жараёнлари ривожланишининг кичик тадбиркорлик фаолияти самарадорлигига таъсирини ҳамда кучайтириш чора-тадбирларини аниқлаш;

Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларида кичик тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг маромийлигини таъминлаш йўллари тадқиқ этиш;

Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик фаолиятида ихтисослашув жараёнларини тартибга солишнинг бозор ва маъмурий дастакларини уйғунлаштириш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистондаги кичик бизнес корхоналарининг иқтисодий фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предметини кичик тадбиркорлик фаолиятида тармоқ бўйича ихтисослашув жараёнларини такомиллаштириш бўйича иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, иқтисодий-математик моделлаштириш, статистик, корреляцион ва регрессион таҳлил, эксперт баҳолаш, илмий абстракциялаш ва бошқа усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кичик бизнес корхоналарининг ихтисослашуви даражасини оширишда салоҳиятли тармоқларни аниқлаш услуби муайян тармоқ фойда меъёрини ўртача фойда меъёрига яқинлаштириш орқали рақобатни кучайтириш жиҳатидан такомиллаштирилган;

кичик бизнес корхоналарининг тармоқ жиҳатдан ихтисослашув жараёнларини давлат томонидан тартибга солиш тадбиркорлар томонидан бизнес фаолиятини нисбатан самарали тармоқларга ўзгартириш имкониятларини кенгайтирувчи «бизнес фаолиятлари банки»ни ташкил этиш асосида такомиллаштирилган;

кичик бизнес субъектларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича ихтисослашуви жараёнлари самарадорлигини баҳолашда иқтисодий ресурсларнинг меъёрий самарадорлиги ҳамда иқтисодий ресурслар сарфи ҳисобига олинган ўртача натижа кўрсаткичларидан фойдаланиш таклифи асосланган;

тармоқ бўйича иқтисодий, тижорат ва молиявий ахборотларнинг шаффофлиги ҳамда очиклигини таъминлашнинг амалий шакли сифатида «Худуд+тармоқ кичик бизнес фаолияти харитаси»ни ишлаб чиқиш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ихтисослашув тушунчасининг иқтисодий мазмуни, унинг турлари ва хусусиятли белгиларини ҳамда унга берилган таърифларни асосий ёндашувлари бўйича тизимлаштириш асосида мазкур тушунчанинг муаллифлик таърифи шакллантирилган;

ихтисослашув жараёнини тадбиркорлик фаолияти ривожланишига таъсирининг турли жиҳатларига кўра асосий йўналишларга ажратилган;

кичик бизнес фаолиятининг тармоқлар бўйича ихтисослашув даражасини баҳолаш борасидаги мавжуд услубий ёндашувлар тизимли равишда таҳлил этилиб, тадқиқот учун тегишли илмий йўналишлар аниқланган;

кичик бизнес корхоналари асосий турлари тавсифий белгиларининг SWOT-таҳлили амалга оширилиб, уларнинг якка, алоҳида фаолият йўналишига ихтисослашуви сабаблари очиб берилган;

кичик тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича ихтисослашувидаги асосий тенденциялар мазкур ихтисослашувни қатор жиҳатлар бўйича баҳолаш орқали аниқланган;

ҳозирги шароитда Ўзбекистонда тармоқ жиҳатидан ихтисослашув жараёнлари ривожланишининг кичик тадбиркорлик фаолияти самарадорлигига таъсири баҳоланган;

кичик бизнес корхоналарини тармоқ бўйича ихтисослашуви жараёнларини тартибга солишнинг асосий чора-тадбирлари тизимга солинган;

кичик тадбиркорлик фаолиятида ихтисослашув жараёнларини тартибга солишнинг бозор ва маъмурий дастакларини уйғун ҳолда қўллаш механизми такомиллаштирилган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан кичик тадбиркорлик фаолиятида тармоқ бўйича ихтисослашув жараёнларини такомиллаштиришга оид илмий-услубий аппаратни ҳамда мавзуга оид махсус илмий-тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар ва амалий тавсиялардан кичик тадбиркорлик фаолиятида тармоқ бўйича ихтисослашув жараёнларини такомиллаштириш борасида ишлаб чиқиладиган дастурий ҳужжатларда, соҳани самарали ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кичик тадбиркорлик фаолиятида тармоқ бўйича ихтисослашув жараёнларини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

муайян тармоқ фойда меъёрини ўртача фойда меъёрига яқинлаштириш орқали рақобатни кучайтириш жиҳатидан такомиллаштирилган кичик бизнес корхоналарининг ихтисослашуви даражасини оширишда салоҳиятли тармоқларни аниқлаш услубидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 29 августдаги 30-сон қарори билан тасдиқланган «Кичик корхона ва микрофирмалар танланма кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Услубий низом»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Давлат статистика қўмитасининг 2020

йил 26 ноябрдаги 01/1-07-16/2-98-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши қўмитанинг Ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикаси бошқармаси томонидан кичик корхона ва микрофирмалар танлови асосини сифатли шакллантиришда ва улар асосида ишончли статистик маълумотлар олиш имкониятларини кенгайтирган;

кичик бизнес корхоналарининг тармоқ жиҳатдан ихтисослашув жараёнларини давлат томонидан тартибга солишни тадбиркорлар томонидан бизнес фаолиятини нисбатан самарали тармоқларга ўзгартириш имкониятларини кенгайтирувчи «бизнес фаолиятлари банки»ни ташкил этиш асосида такомиллаштириш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 сентябрдаги «Коронавирус пандемияси ва ундан кейинги даврда мувофиқлаштирилган макроиқтисодий сиёсатни амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ-4836-сон Қарорининг тегишли бандлари ижросини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг чора-тадбирлар дастурининг тегишли бандларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг 2020 йил 2 декабрдаги 11/04-23-10106-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари фаолият йўналишларини ўзгартириш имкониятларининг кенгайтириши уларнинг тармоқ жиҳатидан ихтисослашув жараёнларининг жадаллашувига имкон яратган;

кичик бизнес субъектларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича ихтисослашуви жараёнлари самарадорлигини баҳолашда иқтисодий ресурсларнинг меъёрий самарадорлиги ҳамда иқтисодий ресурслар сарфи ҳисобига олинган ўртача натижа кўрсаткичларидан фойдаланиш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 29 августдаги 30-сон қарори билан тасдиқланган «Кичик корхона ва микрофирмалар танланма кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Услубий низом»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 26 ноябрдаги 01/1-07-16/2-98-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши қўмитанинг Ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикаси бошқармаси томонидан «Ўзбекистон Республикасида кичик тадбиркорлик» номли пресс-релизларни шакллантиришда мамлакатдаги кичик бизнес субъектларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича ихтисослашуви бўйича таҳлил қилиш имкониятларини кенгайтирган;

тармоқ бўйича иқтисодий, тижорат ва молиявий ахборотларнинг шаффофлиги ҳамда очиклигини таъминлашнинг амалий шакли сифатида «Худуд+тармоқ кичик бизнес фаолияти харитаси»ни ишлаб чиқиш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 сентябрдаги «Коронавирус пандемияси ва ундан кейинги даврда мувофиқлаштирилган макроиқтисодий сиёсатни амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ-4836-сон Қарорининг тегишли бандлари ижросини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг чора-тадбирлар дастурининг тегишли бандларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг 2020 йил 2 декабрдаги 11/04-23-10106-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида кичик бизнес субъектларининг мамлакат худудлари ва

иқтисодиёт тармоқлари бўйича иқтисодий, тижорат ва молиявий ахборотларга ўз вақтида эга бўлиш имкониятлари таъминланиб, уларнинг ихтисослашув даражаси ҳамда фаолият барқарорлигини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 154 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ихтисослашув жараёнининг мазмуни ва тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига таъсири**» деб номланган биринчи бобида ихтисослашув жараёнининг иқтисодий моҳияти ва асосий турлари, унинг тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига таъсири, тадбиркорлик фаолиятида ихтисослашув даражасини баҳолашнинг услубий асослари тадқиқ этилган.

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига таъсир кўрсатувчи муҳим омиллардан бири ихтисослашув жараёни ҳисобланади. Ихтисослашув тушунчаси, ўз маъносига кўра, умумий ҳолда субъектнинг ўз фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида уни кўплаб ва хилма-хил жараён ёки фаолият объектларидан бирига ёки бир нечасига йўналтиришини англатади. Одатда ихтисослашув меҳнат тақсимотининг таъсирида амалга ошади.

Меҳнат тақсимотининг ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсишидаги аҳамиятига қадимги мутафаккирлар ҳамда классик иқтисодчи олимлар эътибор қаратган. Меҳнат тақсимоти ва ихтисослашувнинг натижасида иқтисодиётда қуйидагилар рўй беради:

ишловчилар маҳоратининг такомиллашуви;

бир меҳнат туридан бошқа бирига ўтишда йўқотилиши мумкин бўлган вақтнинг тежалиши;

меҳнатни энгиллаштирувчи ва қисқартирувчи машиналарнинг ихтиро қилиниши, меҳнат унумдорлигининг кескин ўсиши⁵.

⁵ http://economic-definition.com/Scientists_and_economists_theorists/Adam_Smit_Adam_Smith_eto.html

Ихтисослашув тушунчаси жуда кенг қамровли бўлиб, уни алоҳида шахс – ишловчидан тортиб то корхона, тармоқ, ҳудуд, минтақа ва миллий иқтисодиёт даражасига қадар қўллаш мумкин. Бироқ, иқтисодий адабиётда ихтисослашув жараёни кўпроқ ишлаб чиқаришга нисбатан қўлланилади. Ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ўз навбатида турли миқёс ёки даражаларда олиниши мумкин. Масалан:

1) корхона ёки унинг бирон-бир таркибий бўлими, участкасидаги ишлаб чиқариш жараёнининг ихтисослашуви;

2) бир хил йўналишдаги корхоналар мажмуи – тармоқ ёки соҳа ишлаб чиқариши ихтисослашуви;

3) муайян ҳудуд (минтақа)да жойлашув жиҳатидан ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви.

4) тармоқ ва соҳаларнинг мажмуи – миллий иқтисодиёт даражасидаги ихтисослашув.

Айрим манбаларда ихтисослашув саноат, тармоқ, корхонанинг ихтисослашуви каби турларга туркумланади. Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ихтисослашув жараёнига берилган таърифлар хилма-хил бўлиб, диссертация ишида унинг мазмунини тўлиқ баён этиш учун мазкур таърифларни асосий ёндашувлар бўйича муайян тизимга солинди. Мазкур тизимли таҳлил асосида, тадқиқотчи фикрича, иқтисодиёт назарияси нуқтаи назаридан қуйидаги муаллифлик таърифининг шакллантирилиши мақсадга мувофиқ: «Ихтисослашув – хўжалик юритишнинг турли субъектлари томонидан ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг тегишли даражасида кўпроқ иқтисодий наф келтирувчи фаолият тури ёки унинг муайян қисми билан шуғулланишга йўналтирилган жараён»⁶.

Тадқиқот ишида кичик бизнес субъектларининг ихтисослашуви жараёнларига алоҳида эътибор қаратилиб, унинг қуйидаги йўналишлар бўйича рўй бериши аниқланди:

тармоқдаги йирик корхоналар учун ишлаб чиқариш иқтисодий жиҳатдан самарасиз бўлган жараёнларни амалга ошириш, маҳсулот ёки унинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқариш;

тармоқ хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, ундаги ишлаб чиқариш жараёнининг яхлитлиги ва узлуксизлигини таъминловчи иш бажариш ёки хизмат кўрсатиш;

тармоқ хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, аксарият ҳолларда ундаги ишлаб чиқариш қўламининг у қадар катта миқёс талаб этмаслиги (масалан, қишлоқ хўжалиги, чакана савдо, хизмат кўрсатиш ва ҳ.к.) сабабли тармоқдаги асосий ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини ташкил этиш.

Ихтисослашув жараёнининг тадбиркорлик фаолияти ривожланишига таъсирини қуйидаги жиҳатларига кўра асосий йўналишларга ажратиш мумкин:

1) соф иқтисодий, яъни ихтисослашув натижасида ишлаб чиқариш ҳажми, тармоқ ёки иқтисодий фаолиятнинг рентабеллик даражаси, молиявий натижалар (фойда ёки зарар)нинг ўзгариши;

⁶ Муаллиф ишланмаси асосида тузилган.

2) техник ва технологик, яъни ихтисослашув натижасида тармоқ ишлаб чиқаришида техник воситалардан фойдаланиш, технологик жараёнлар даражасининг ўзгариши;

3) ташкилий, яъни ихтисослашув натижасида тармоқ ишлаб чиқаришини ташкил этиш, ундаги алоқа ва муносабатларнинг амал қилиши даражасидаги ўзгаришлар.

Умумий ҳолда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига ихтисослашув жараёни ижобий таъсир кўрсатади. Бироқ, ихтисослашувнинг салбий жиҳатлари ҳам мавжуд бўлиб, жумладан, адабиётларда қуйидагилар кўрсатилади:

иш жараёнидаги бирхиллик, унинг ишловчиларга салбий таъсирини пасайтириш бўйича чора-тадбирларнинг зарурлиги;

мол етказиб берувчилар ва харидорларга кучли тарзда боғлиқлик;

бозордаги кичик конъюнктуравий тебранишларга таъсирчанлик;

одатда, сўнгги истеъмолчига чиқиш имкониятининг мавжуд эмаслиги⁷.

Умумий ҳолда, тадбиркорлик субъектлари учун муайян тармоқ ишлаб чиқаришига ихтисослашув мазкур жараённинг ижобий (афзаллик) томонлари билан салбий (камчилик) томонларининг фарқи мусбат ишорага эга бўлганида фойдали ҳисобланади.

$$ИТ = \sum_{i=1}^n I_i - \sum_{j=1}^m C_j,$$

бу ерда:

ИТ – тармоқ ёки иқтисодий фаолият тури бўйича ихтисослашувнинг кичик бизнес фаолиятининг ривожланишига таъсири (мусбат ёки манфий);

И – тармоқ ёки иқтисодий фаолият тури бўйича ихтисослашувнинг кичик бизнес фаолиятига ижобий таъсири;

$i = 1 \dots n$ – тармоқ ёки иқтисодий фаолият тури бўйича ихтисослашувнинг кичик бизнес фаолиятига ижобий таъсири йўналишлари;

С – тармоқ ёки иқтисодий фаолият тури бўйича ихтисослашувнинг кичик бизнес фаолиятига салбий таъсири;

$j = 1 \dots m$ – тармоқ ёки иқтисодий фаолият тури бўйича ихтисослашувнинг кичик бизнес фаолиятига салбий таъсири йўналишлари.


Кичик тадбиркорлик фаолиятида тармоқ бўйича ихтисослашув даражасини баҳолашнинг услубий асосларини янада такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқотчи фикрича, кичик бизнесни алоҳида соҳа сифатидаги тармоқ ихтисослашуви даражасини баҳолашда энг аввало унинг тармоқда рақобат муҳитини яратиш, янги иш ўринларини барпо этиш, маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) ҳажмини ошириш каби муҳим ижтимоий-иқтисодий функцияларидан келиб чиқиш лозим. Шунга кўра, мазкур тадқиқот доирасида кичик бизнес корхоналари ихтисослашуви даражасини баҳолашнинг тармоқда мақбул рақобат даражасини яратиш жиҳатидан услубий асослари ишлаб чиқилган.

Статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда кичик бизнес корхоналари сони, улардаги бандлар сони, тармоқ ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши, тармоқ инвестициялар ҳажмидаги улуши иқтисодиётнинг айрим тармоқларида сезиларли

⁷ Сущность специализации производства, ее преимущества и недостатки, формы специализации. - <https://studopedia.org/index.php?vol=2&post=63859>

даражада юқори, айримларида эса аксинча, сезиларли даражада паст. Агар тармоқлараро рақобат назариясига таянилса, иқтисодиётда тармоққа кириш ва ундан чиқиш эркинлиги таъминланган ҳолатда ўртача фойда меъёри бир хил бўлади. Лекин, маълумотлардан кўринадики, битта корхона ёки битта ишловчига тўғри келувчи фойда ҳажми турли тармоқларда кескин фарқ қилмоқда. Фикримизча, нисбатан юқори фойда меъёри қайд этилган тармоқларда ресурсларнинг ҳаракатланиши билан боғлиқ тўсиқлар мавжудлигини тахмин қилиш мумкин. Шунга кўра, ушбу ўртача кўрсаткични тармоқ ўртача (реал) кўрсаткичи даражасига қадар пасайтириш орқали тармоқ ялпи ишлаб чиқариш ҳажмини ва тегишли равишда, мамлакат ЯИМ ҳажмини ошириш мумкин.

Тадқиқот давомида ишлаб чиқилган тармоқдаги рақобатни кучайтириш жиҳатидан кичик бизнес корхоналарининг ихтисослашув даражасини ошириш йўналишларини аниқлаш услубини қуйидаги чизма орқали ифодалаш мумкин (1-расм.)



1-расм. Тармоқдаги рақобатни кучайтириш жиҳатидан кичик бизнес корхоналарининг ихтисослашув даражасини ошириш йўналишларини аниқлаш услуби⁸.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мазкур услубдаги кўрсаткичларнинг қийматларини аниқлашда маълумот манбалари билан таъминланганлик муҳим

⁸ Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

ўрин тутади. Қуйида ҳар бир кўрсаткич бўйича маълумот олиш манбаси ёки уни ҳисоблаб чиқариш тартиби келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал.

Кичик бизнес фаолиятининг тармоқлар бўйича ихтисослашув даражасини баҳолашда кўрсаткичларнинг маълумот олиш манбаси ёки ҳисоблаб чиқариш тартиби⁹

Кўрсаткич	Маълумот олиш манбаси ёки ҳисоблаб чиқариш тартиби
Муайян давр учун кичик бизнес корхоналарининг тармоқлар бўйича ишлаб чиқариш ҳажми (ИЧХ _i)	«Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик» йиллик статистик тўплами
Ҳар бир тармоқдаги битта корхонага тўғри келувчи ўртача ишлаб чиқариш ҳажми (ЎИЧХ _i)	$\text{ЎИЧХ}_i = \frac{\text{ИЧХ}_i}{\text{КС}_i}$ бу ерда: КС – тармоқдаги корхоналар сони
Муайян давр учун кичик бизнес корхоналарининг тармоқлар бўйича ишлаб чиқариш харажатлари ҳажми (ИХ _i)	«Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик» йиллик статистик тўплами
Ҳар бир тармоқдаги битта корхонага тўғри келувчи ўртача ишлаб чиқариш харажатлари ҳажми (ЎИХ _i)	$\text{ЎИХ}_i = \frac{\text{ИХ}_i}{\text{КС}_i}$
Кичик бизнес корхоналарининг ҳар бир тармоқ бўйича фойда ҳажми (ФХ _i)	«Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик» йиллик статистик тўплами
Кичик бизнес корхоналарининг ҳар бир тармоқ бўйича фойда меъёри (ФМ _i)	$\text{ФМ}_i = \frac{\text{ФХ}_i}{\text{ИХ}_i} \times 100\%$
Кичик бизнес корхоналарининг иқтисодиёт бўйича ўртача фойда меъёри (ЎФМ)	$\text{ЎФМ} = \frac{\sum_{i=1}^n \text{ФХ}_i}{\sum_{i=1}^n \text{ИХ}_i} \times 100\%$
Юқори фойда меъёрига эга тармоқларнинг иқтисодиёт бўйича ўртача фойда меъёридан орган қисми (ФМ _{ОҚi})	$\text{ФМ}_{\text{ОҚ}i} = \text{ФМ}_i - \text{ЎФМ}$
Ҳар бир тармоқдаги битта корхонага тўғри келувчи ўртача фойда ҳажми (ЎФХ _i)	$\text{ЎФХ}_i = \frac{\text{ФХ}_i}{\text{КС}_i}$
Ишлаб чиқариш харажатларининг кенгайтирилиши мумкин бўлган ҳажми (КИХ _i)	$\text{КИХ}_i = \left[\frac{\text{ФХ}_i}{\text{ЎФМ}} \times 100\% \right] - \text{ИХ}_i$
Тармоқда қўшимча равишда ташкил этилиши мумкин бўлган корхоналар сони (ҚКС _i)	$\text{ҚКС}_i = \frac{\text{КИХ}_i}{\text{ЎИХ}_i}$
Тармоқда қўшимча равишда ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш ҳажми (ҚЎИЧХ _i)	$\text{ҚЎИЧХ}_i = \text{ҚКС}_i \times \text{ЎИЧХ}_i$

Диссертациянинг «Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик фаолиятида ихтисослашув жараёнларининг ривожланганлик даражаси» деб номланган иккинчи бобида кичик тадбиркорлик фаолиятида ихтисослашув жараёнларининг ривожланганлик даражасига таъсир кўрсатувчи омиллар, кичик тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича ихтисослашувидаги асосий

⁹ Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

тенденциялар, ихтисослашув жараёнлари ривожланишининг кичик тадбиркорлик фаолияти самарадорлигига таъсири масалалари тадқиқ этилган.

Тадқиқот жараёнида кичик бизнес корхоналарида фаолиятнинг тармоқ бўйича ихтисослашуви соҳанинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, қуйидаги сабабларга кўра устунлик касб этиши аниқланди:

кичик тадбиркорлик субъектларида молиявий маблағларнинг аҳамиятли даражада чекланганлиги;

давлат томонидан кичик тадбиркорлик субъектлари миқдорий чегараларининг белгилаб берилганлиги;

кичик тадбиркорлик субъектларида техника ва технологиядан фойдаланиш даражасининг юқори бўлмаслиги;

олдиндан аниқ бўлган истеъмолчига ишлаш.

Бироқ, тармоқ бўйича ихтисослашув жараёнлари доимо ҳам иқтисодий жиҳатдан юқори самарадорликни таъминлаш ҳамда миллий иқтисодиёт тараққиётининг мақсадга мувофиқ йўналтирилишига мувофиқ тушмаслиги мумкин. Шунга кўра, мазкур жараёнларни таҳлил қилиб бориш ҳамда уларга таъсир қилиш механизмларини таркиб топтириш муҳим аҳамият касб этади.

Кичик бизнес соҳасидаги ишлаб чиқаришнинг тармоқлар бўйича ихтисослашувини кўплаб жиҳатлари бўйича баҳолаш мумкин бўлиб, мазкур тадқиқот ишида тармоқ ишлаб чиқаришида банд бўлган ходимлар сони, муайян тармоқнинг ялпи ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши, тармоқда фаолият кўрсатаётган корхоналар сони, тармоқда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми жиҳатидан ёндашилган.

Ишлаб чиқаришнинг ихтисослашувини баҳолаганда улардаги ишловчилар сони муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб, бу биринчи навбатда, кичик бизнес миқдорий чегарасини белгилашда ишловчилар сони асосий мезон ҳисобланиши ҳамда, корхонадаги ишловчиларнинг ўртача йиллик сони муайян тармоқ хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши орқали изоҳланади.

Таҳлиллардан кўринадики, Ўзбекистон кичик бизнес корхоналаридаги ҳар бир рўйхатдаги ходимга тўғри келувчи фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар)нинг ўртача миқдори иқтисодиёт бўйича ўртача кўрсаткичдан молиявий ва суғурта фаолиятида 5,14 марта, савдода 1,68 марта, ахборот ва алоқада 1,97 марта, саноатда 1,04 марта юқори бўлган. Аксинча, бу кўрсаткич иқтисодиёт бўйича ўртача кўрсаткичнинг қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 0,20, санъат, кўнгиш очиш ва дам олиш 0,26, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатишда 0,32, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 0,37, ташиш ва сақлашда 0,41, таълимда 0,45, қурилишда 0,73 қисми даражасида бўлган.

Бир ходимга тўғри келувчи фойда миқдорининг тармоқлар бўйича бу қадар кескин фарқланиши, ходимларнинг зарар кўриб ишлаётган тармоқларидан юқори фойдали тармоқларга ўтиши рўй бермаслигини қуйидаги сабаблар орқали изоҳлаш мумкин:

1) иқтисодий ресурслар, шу жумладан, ходимларнинг маълум қисмининг муайян фаолият тури бўйича мослиги, ихтисослашуви мунтазам ҳолда сақланиб қолиши;

2) ҳар бир тармоқ фаолияти билан шуғулланиш учун муайян кўринишдаги чеклов ва тўсиқлар мавжудлиги;

3) тармоқдаги фойда миқдори молиявий натижа ҳисобланиб, айрим тармоқларда ходимлар учун кўшимча даромад келтирувчи, бироқ ушбу кўрсаткични ҳисоблашда расман эътиборга олинмайдиган манбалар бўлиши мумкинлиги.

Кичик бизнес корхоналари фаолиятидаги инвестицион жараёнларининг куйидаги ўзига хос жиҳатларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ:

1. Кичик бизнес корхоналари фаолияти учун одатда йирик ва ўрта корхоналар фаолиятига нисбатан кичикроқ ҳажмдаги инвестициялар тақозо этилади. Шунга кўра, кўплаб тадбиркорлар ўз фаолиятини кичик бизнесдан бошлашни афзал кўрадилар. Кўпинча компаниялар етарли даражада ўз иқтисодий ва молиявий фаолиятини мустақамлаб олганидан сўнг нисбатан каттароқ инвестицион лойиҳаларга киришадилар.

2. Кичик бизнес корхоналари фаолиятига киритиладиган инвестицияларни салмоқли қисми хусусий сектор улушига тўғри келади. Одатда, давлат ёки хорижий инвестициялар жуда камдан-кам ҳолларда кичик бизнес корхоналарига жалб этилади. Чунки, ўзининг миқёслари ва аҳамиятига кўра кўпинча кичик инвестиция объектлари давлат ва хорижий инвесторлар учун у қадар жозибадор бўлмайди.

3. Кичик бизнес корхоналари фаолиятига киритилувчи инвестициялар ўз мазмуни ва тавсифига кўра нисбатан қисқа муддатли, ўзгарувчан ва беқарор ҳисобланади. Иқтисодиётдаги озгина конъюнктуравий ўзгаришлар инвесторларнинг инвестициялар бўйича қарорларига сезиларли таъсир ўтказиши мумкин.

Ўзбекистондаги кичик бизнес корхоналарининг тармоқ бўйича ихтисослашув жараёнларини кучайтириш орқали соҳа самарадорлигини ошириш имкониятларини куйидаги жадвал орқали ифодалаш мумкин (2-жадвал).

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистоннинг кичик тадбиркорлик бўйича статистикасида маълумотлар 12 та тармоққа, яъни: қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги; саноат; қурилиш; савдо; ташиш ва сақлаш; яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар; ахборот ва алоқа; молиявий ва суғурта фаолияти; таълим; соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш; санъат, кўнгил очиш ва дам олиш; бошқа турлари бўйича гуруҳларга ажратилади. Жадвалда ҳажм жиҳатидан чекланиш мақсадида мазкур тармоқларнинг 5 таси бўйича маълумотлар келтирилган. Бироқ, уларнинг таҳлили қисмида, зарур ҳолларда, мазкур жадвалда ифодаланмаган бошқа тармоқлар бўйича ҳолат ва мулоҳазаларга ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

2-жадвал маълумотларидан кўринадикки, юқори фойда меъёрига эга тармоқларнинг иқтисодиёт бўйича ўртача фойда меъёридан ортган қисми фақат саноат (0,6%), ташиш ва сақлаш (9,9%), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (8,8%) тармоқларида мавжуд. Шунингдек, бу кўрсаткич мазкур жадвалда ифодаланмаган ахборот ва алоқа (47,0%), молиявий ва суғурта фаолияти (94,5%), таълим (21,5%), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш (16,7%), санъат, кўнгил очиш ва дам олиш (4,0%) тармоқларида ҳам ижобий қийматга эга. Демак, ушбу тармоқлар, айниқса, молиявий ва суғурта фаолияти, ахборот ва

алоқа, ташиш ва сақлаш тармоқларида етарли даражада рақобат муҳити шаклланмаган, капитал оқиб кириши учун тўсиқлар нисбатан юқори даражада. Бундан келиб чиққан ҳолда, истиқболда кичик бизнес корхоналарини ушбу тармоқларга ихтисослаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

2-жадвал.

Ўзбекистонда кичик бизнес корхоналарининг тармоқ бўйича ихтисослашув жараёнлари самарадорлигини ошириш имкониятлари (2019)¹⁰

Кўрсаткич	Иқтисодиёт бўйича жами	Шу жумладан, тармоқлар бўйича				
		Қишлоқ, ўрмон ва балик хўжалиги	Саноат	Қурилиш	Савдо	Ташиш ва сақлаш
Ялпи ишлаб чиқариш ҳажми, млрд. сўм	249863	5957,5	82636,4	39721,3	94941,5	5329,8
Ишлаб чиқариш харажатлари ҳажми, млрд. сўм	195373,4	4870,6	63903,8	32619,5	80080,8	3169,2
Молиявий натижалари (фойда, зарар), млрд. сўм	22798,0	235,9	7827,4	2737,4	6899,0	682,0
Кичик бизнес корхоналари сони, бирлик	334767	28847	69970	36021	100573	15157
Ўртача ишлаб чиқариш ҳажми, млрд. сўм	0,75	0,21	1,18	1,10	0,94	0,35
Ўртача ишлаб чиқариш харажатлари ҳажми, млрд. сўм	0,58	0,17	0,91	0,91	0,80	0,21
Ўртача фойда ҳажми, млрд. сўм	0,07	0,01	0,11	0,08	0,07	0,04
Фойда меъёри, фоиз	11,7	4,8	12,2	8,4	8,6	21,5
Иқтисодиёт бўйича ўртача фойда меъёридан ортган қисми, фоиз	-	-6,8	0,6	-3,3	-3,1	9,9
Ишлаб чиқариш харажатларининг кенгайтирилиши мумкин бўлган ҳажми, млрд. сўм	-	-	3175,2	-	-	2675,3
Қўшимча равишда ташкил этилиши мумкин бўлган корхоналар сони, бирлик	197021	-	3477	-	-	12795
Қўшимча равишда ишлаб ишлаб чиқариш ҳажми, млрд. сўм	52427,8	-	4106,0	-	-	4499,2

Тавсия этилган услубга кўра, иқтисодиёт бўйича ўртача фойда меъёри (ЎФМ) даражасида тармоқлардаги рақобат даражаси ҳам мақбул ҳолатда бўлишини ҳисобга олиб, тармоқ бўйича фойда меъёри (ФМ_i) даражасини яқинлаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу эса, ишлаб чиқариш концентрацияси даражаси нисбатан юқори бўлган тармоқларда қўшимча корхоналарни ташкил этиш билан боғлиқ ишлаб чиқариш харажатларини кенгайтириш имконини беради. Ушбу кўрсаткич саноатда 3175,2, ташиш ва сақлашда 2675,3 млрд. сўмни ташкил этади. Жадвалда ифодаланмаган ахборот ва

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

алоқа тармоғида 4580,6, молиявий ва суғурта фаолиятида 4612,8, таълимда 491,1, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатишда 905,96, санъат, кўнгил очиш ва дам олиш тармоғида 64,4, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар тармоғида 1975,9 млрд. сўмни ташкил этади.

Ушбу маълумотлар асосида, тармоқлардаги ишлаб чиқариш харажатларининг кўпайтирилиши мумкин бўлган ҳажми ҳамда битта корхонага тўғри келувчи ўртача ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмини билган ҳолда, тармоқда кўшимча равишда ташкил этилиши мумкин бўлган корхоналар сонини аниқлаш мумкин. Жадвалдан кўринадики, бу кўрсаткич иқтисодиёт бўйича жами 197021 бирликни, шу жумладан, саноатда 3477, ташиш ва сақлашда 12795 бирликни, жадвалда ифодаланмаган яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 19283, ахборот ва алоқада 30722, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатишда 9121 бирликни ташкил этади. Ушбу корхоналарнинг ташкил этилиши эса, тармоқда кўшимча равишда ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган товар ва хизматлар ҳажмини иқтисодиёт бўйича жами 52427,8 млрд. сўмга қадар, шу жумладан, саноатда 4106,0, ташиш ва сақлашда 4499,2, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 3381,6, ахборот ва алоқада 9833,9, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатишда 1873,6 млрд. сўмга қадар ошириш имконини беради.

Диссертациянинг «**Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик фаолиятида ихтисослашув жараёнларини такомиллаштириш йўллари**» деб номланган учинчи бобида Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларида кичик тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг маромийлигини таъминлаш, мазкур соҳа фаолиятида ихтисослашув жараёнлари самарасини ошириш чора-тадбирлари, ихтисослашув жараёнларини тартибга солишнинг бозор ва маъмурий дастакларини такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган.

Тадқиқотчининг фикрича, ҳар бир тармоқнинг мутассади бошқарув идораси ёки вазирлиги ўзининг бошқарувидаги тармоқ фаолиятини самарали ташкил этишда кичик бизнес имкониятларидан фойдаланиши лозим. Энг биринчи навбатда, тармоқда соғлом рақобат муҳитини таъминлаш, бунинг учун етарли даражадаги кичик бизнес субъектларини ташкил этиш, агар рақобат асосиз равишда кескинлашув даражасига етса, у ҳолда тармоққа ортиқча «босим»ни чеклаш чораларини кўриши лозим.

Кичик бизнес корхоналарини тармоқ бўйича ихтисослашуви жараёнларини тартибга солиш қуйидаги чора-тадбирларни кўзда тутаяди:

кичик бизнес фаолияти турини танлаш эркинлигини таъминлаш;

тадбиркорлик капиталининг тармоқлараро ҳаракатининг эркинлигини таъминлаш;

тармоқ бўйича иқтисодий, тижорат ва молиявий ахборотларнинг шаффофлиги ҳамда очиқлигини таъминлаш;


ҳар бир тармоқдаги соғлом рақобат муҳитининг шаклланиши ҳамда иқтисодий шарт-шароитларнинг тенглиги учун имконият яратиш;

бозор механизмларининг тўғри ишламаслиги, субъектив сабабларга кўра иқтисодий ресурсларнинг ноўрин сарфланиши, хўжасизлик ва турғунлик ҳолатларининг келиб чиқишининг олдини олиш ва бартараф этиш ва бошқалар.

Агар кичик бизнес эгаси маълум бир сабабга кўра муайян тармоқдаги ўз фаолиятини яқунлаб, капиталини бошқа бир тармоққа ўтказишга қарор қилса – мазкур жараённинг минимал сарф-харажат ва вақт талаб қилишига эришиш лозим.

Одатда бир тармоқдаги капитални ликвид капиталга айлантириб олишга жуда кўп вақт кетади. Қандайдир сабабларга кўра, ўзининг бир фаолият туридаги бизнесини тўхтатиб, бошқа бир фаолият турида янги бизнес бошловчи жуда кўп тадбиркорлар шундай муаммога дуч келадилар. Улар ўзларининг эски бизнес фаолиятларини аллақачон тўхтатиб қўйганлари, бироқ янгисини бошлаш учун маблағ йўқлиги мамлакат бўйлаб жуда катта миқдордаги тадбиркорлик капиталининг бўш туриб қолишига, янги фаолиятлар бошланишининг чўзилишига олиб келмоқда.

Тадқиқотлар ва бизнес амалиётининг таҳлилига кўра, корхонани сотиш орқали тадбиркорлик фаолияти турини ўзгартириш самарали амалга оширилиши учун давлат томонидан муайян чора-тадбирлар тақозо этилади. Шунга кўра, тадбиркорлар томонидан бизнес фаолиятни ўзгартиришни давлат томонидан тартибга солишнинг қуйидаги механизмини йўлга қўйиш таклиф этилади (2-расм).



2-расм. Тадбиркорлар томонидан бизнес фаолиятни ўзгартиришни давлат томонидан тартибга солиш механизми¹¹.

Расмдан кўринадикки, бизнес фаолият турини ўзгартиришнинг асосий шаклларида бири бизнесни сотиш орқали алмаштириш бўлиб, мазкур жараённинг самарали амалга оширилиши учун қуйидаги чора-тадбирлар таклиф этилади: томонларнинг бизнесни олди-сотди жараёнида ўзаро ишонч ҳосил қилишлари учун кафиллик институти фаолиятининг йўлга қўйилиши; сотиш мўлжалланган бизнес фаолиятлари (корхоналар) банкни ташкил этиш; номувофиқликларни тартибга солиш хизматини йўлга қўйиш; бизнес фаолиятни

¹¹ Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

бевосита сотиб олиш ва сотиш. Юқорида қайд этилган жараёнларнинг аксарият қисми тижорат тавсифига эга бўлганлиги сабабли, уларнинг барчаси Давлат активларини бошқариш қўмитаси билан давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган тузилма томонидан амалга оширилади.

Шунингдек, расмдан кўринадик, бизнес фаолият турини ўзгартириш шаклларида яна бири сифатида бизнесни ўзаро алмаштириш механизмининг жорий этилиши мақсадга мувофиқ. Бунда тадбиркор ўз бизнесини сотиб, унинг пулини олишни кутиб юрмасдан, балки ўзига маъқул тушган бошқа фаолиятдаги бизнес тури билан алмаштириши мумкин. Мазкур воситанинг қулай ва афзал жиҳатлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

бизнес фаолиятини ўзаро алмашишда пул маблағлари иштирок этишининг тақозо этилмаслиги;

ўзаро келишган ҳолда иш фаолиятларининг давом этиши ва тўхтамаслиги;

бизнес фаолиятини сотиш ва сотиб олиш билан боғлиқ қўшимча сарф-харажатларнинг тежалиши ва ҳ.к.

Мазкур механизмни йўлга қўйиш учун қуйидаги қатор чора-тадбирларни амалга ошириш тақозо этилади:

бизнесни ўзаро алмаштириш тартиби меъёрий-ҳуқуқий асосларининг ишлаб чиқилиши ва таъминланиши;

бизнесни ўзаро алмаштириш жараёнига ихтисослашган инфратузилма тизимини йўлга қўйиш, жумладан: ўзаро алмаштирилиши мумкин бўлган бизнес фаолиятлари тўғрисида маълумотларни йиғиш, уларни тизимга солиш, мақбул вариантларни шакллантириш, талабгорларни қидириш ва бошқа шу каби ишларга ихтисослашган воситачилар хизматини йўлга қўйиш; алмашув жараёнларининг тенг қийматлилиги ва адолатлилигини таъминловчи бизнес баҳоловчилар; бизнесни ўзаро алмаштириш жараёнларини ҳуқуқий расмийлаштирувчи нотариус фаолияти; бизнесни ўзаро алмаштириш жараёни билан боғлиқ рискларни суғурталаш фаолияти ва бошқалар;

бизнесни ўзаро алмаштириш жараёнлари ташкилий-институционал асосларининг таъминланиши. Жумладан: бизнесни алмашуви тўғрисида эълонлар бериш, уларнинг биржа савдоларини йўлга қўйиш, онлайн платформалар яратиш; экспертиза ва аудиторлик хулосалари тақдим этилишини ташкил этиш ва ҳ.к.

Ҳозирда мамлакатдаги у қадар катта маблағга эга бўлмаган, потенциал тадбиркорларнинг асосий муаммоси ўз капиталини қайси соҳа ёки фаолият турига киритишни тўғри ҳал этиш ҳисобланади. Чунки, тадбиркор имкон қадар юқори рентабелли фаолият билан шуғулланишни хоҳлайди, бироқ бу борада аниқ ва етарли ахборот олишнинг имкони мавжуд эмас. Бу эса уларнинг ўз бизнес фаолият йўналишларини танлаш имкониятларини чеклаб қўяди. Натижада, тадбиркорлик капиталининг муваффақиятли жойлашуви ва ишга туширилиши кечикади.

Шунга кўра, диссертацияда тармоқ бўйича иқтисодий, тижорат ва молиявий ахборотларнинг шаффофлиги ҳамда очиқлигини таъминлашнинг амалий шакли сифатида «Худуд+тармоқ кичик бизнес фаолияти харитаси»ни ишлаб чиқиш таклиф этилиб, у қуйидаги чора-тадбирларни ўз ичига олади:

хар бир тармоқ вазирлиги ёки бошқарув идораси ўз бошқарувидаги тармоқ ёки соҳада мақбул даражадаги соғлом рақобат муҳитини вужудга келтириш учун

зарур бўлган кичик бизнес субъектларининг ҳудудлар кесимидаги тахминий салмоғини (имкони бўлса сонини ҳам) белгилайди;

ҳар бир ҳудуддаги тадбиркорликни ривожлантиришга масъул бўлган идоралар (маҳаллий ҳокимият, ССП, Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ва бошқалар) шаҳар ёки туман бўйича бизнес фаолият харитасини ишлаб чиқади. Мазкур харитада шаҳар ёки туман, ҳудудда фаолият кўрсатаётган тадбиркорларнинг иқтисодий фаолият тури бўйича жойлашуви ва концентрацияси ифодаланган бўлади;

иқтисодий фаолият турлари бўйича яқин истикбол (1-6 ой) да ўзгариши мумкин бўлган конъюнктура ифодаланadi.

Бундай «Ҳудуд+тармоқ кичик бизнес фаолияти харитаси»нинг маҳаллий теле- ва мобил иловасининг ишлаб чиқилиши ҳамда уларда тегишли маълумотларнинг бериб борилиши тадбиркорлар учун ўзига хос «маёк» вазифасини ўтайди. Яъни, тадбиркорлар маҳаллий ҳудуд ва тармоқ кесимидаги микробизнес иқлимнинг ўзгариши, ўз бизнесларини йўналтириш бўйича фойдали маълумотларга эга бўладилар.

Кичик бизнес субъектларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича ихтисослашувини такомиллаштириш мазкур жараёнлар самарадорлигининг таъминланишини тақозо этиб, у қуйидаги ҳолатлар орқали намоён бўлади: муайян тармоқда банд бўлган иқтисодий ресурслар миқдори ва сифатининг ошиши; ҳар бир қўшимча банд бўлган иқтисодий ресурс ҳисобига иқтисодий фаолият натижаларининг ўзгариши; тармоқлар бўйича тадбиркорлик капиталининг ҳар бир бирлигига тўғри келувчи самара кўрсаткичлари даражасининг ўзаро яқинлашуви.

Ҳар бир қўшимча банд бўлган иқтисодий ресурс ҳисобига иқтисодий фаолият натижаларининг ўзгаришини таҳлил қилишда, иқтисодий адабиётдаги «сўнгги қўшилган омил унумдорлиги», «сўнгги қўшилган маҳсулот», «ўртача маҳсулот» тушунчалари орқали намоён бўлувчи иқтисодий ресурсларнинг меъерий самарадорлиги ҳамда иқтисодий ресурслар сарфи ҳисобига олинган ўртача натижа кўрсаткичларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Чунки, қачонки ресурсларнинг меъерий самарадорлиги қиймати ўртача натижа қийматидан катта бўлсагина мазкур тармоқ фаолиятини кенгайтириш самарали ҳисобланади. Шунга кўра, бу иккала кўрсаткичларнинг нисбати орқали тармоққа киритилаётган иқтисодий ресурсларнинг самарадорлик даражасини баҳоловчи ресурсларни тармоққа киритишнинг жозибадорлик даражаси кўрсаткичидан фойдаланиш таклиф этилди:

$$ЖД = \frac{МС}{ЎН},$$

бу ерда:

ЖД - ресурсларни тармоққа киритишнинг жозибадорлик даражаси;

МС - иқтисодий ресурсларнинг меъерий самарадорлиги;

ЎН - иқтисодий ресурслар сарфи ҳисобига олинган ўртача натижа.

Тармоқдаги қўшимча ҳар бир бирлик харажатлар ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари ўртача ва меъерий самарадорлик кўрсаткичлари жозибадорлик даражасининг қатор йиллар давомидаги динамикаси асосида ўртача кўрсаткични аниқлаш мақсадга мувофиқ:

$$\ddot{Y}_{\text{ЖД}} = \sum_{i=1}^n \frac{MC_i}{\ddot{Y}_{H_i}} / n,$$

бу ерда:

$\ddot{Y}_{\text{ЖД}}$ - муайян давр оралиғи учун ресурсларни тармоққа киритишнинг ўртача жозибаторлик даражаси;

MC - иқтисодий ресурсларнинг меъерий самарадорлиги;

\ddot{Y}_H - иқтисодий ресурслар сарфи ҳисобига олинган ўртача натижа;

i - таҳлил даврига киритилган йил;

n - таҳлил даврига киритилган йиллар сони.

Кичик бизнес субъектларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича ихтисослашувини такомиллаштириш борасидаги иқтисодий самарадорликни қуйидаги кўрсаткичлар тизими орқали ифодалаш мақсадга мувофиқ: тармоқдаги қўшимча ҳар бир бирлик харажатлар ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари кўрсаткичлари; тармоқда қўшимча ташкил этилган ҳар бир корхона ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари кўрсаткичлари; тармоқда қўшимча равишда банд бўлган ҳар бир ишловчи ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари кўрсаткичлари; тармоқда қўшимча ҳар бир бирлик инвестиция ресурси ҳисобига ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари кўрсаткичлари. Мазкур кўрсаткичлар тизимини қуйидаги формулалар кўринишида намоён этиш мумкин (3-жадвал).

3-жадвал

Кичик бизнес субъектларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича ихтисослашуви жараёнлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш усуллари

Кўрсаткич	Ҳисоблаш усули	Шартли белги
Тармоқдаги қўшимча ҳар бир бирлик харажатлар ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари ($X_{\text{ЯИХ}}$; $X_{\text{МН}}$)	$X_{\text{ЯИХ}} = \frac{\text{ЯИХ}_x - \text{ЯИХ}_6}{X_x - X_6},$ $X_{\text{МН}} = \frac{\text{МН}_x - \text{МН}_6}{X_x - X_6}$	<p>ЯИХ_x – ҳисобот давридаги тармоқ ялпи ишлаб чиқариш ҳажми;</p> <p>ЯИХ_6 – базис давридаги тармоқ ялпи ишлаб чиқариш ҳажми;</p> <p>МН_x – ҳисобот давридаги тармоқ молиявий натижалари (фойда, зарар);</p> <p>МН_6 – базис давридаги тармоқ молиявий натижалари (фойда, зарар);</p> <p>X_x – ҳисобот давридаги тармоқ ишлаб чиқариш харажатлари ҳажми;</p> <p>X_6 – базис давридаги тармоқ ишлаб чиқариш харажатлари ҳажми.</p>
Тармоқда қўшимча ташкил этилган ҳар бир корхона ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари ($K_{\text{ЯИХ}}$; $K_{\text{МН}}$)	$K_{\text{ЯИХ}} = \frac{\text{ЯИХ}_x - \text{ЯИХ}_6}{K_x - K_6},$ $K_{\text{МН}} = \frac{\text{МН}_x - \text{МН}_6}{K_x - K_6}$	<p>K_x – ҳисобот даврида тармоқда фаолият кўрсатган корхоналар сони;</p> <p>K_6 – базис даврида тармоқда фаолият кўрсатган корхоналар сони.</p>
Тармоқда қўшимча равишда банд бўлган ҳар бир ишловчи ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари ($B_{\text{ЯИХ}}$; $B_{\text{МН}}$)	$B_{\text{ЯИХ}} = \frac{\text{ЯИХ}_x - \text{ЯИХ}_6}{B_x - B_6},$ $B_{\text{МН}} = \frac{\text{МН}_x - \text{МН}_6}{B_x - B_6}$	<p>B_x – ҳисобот даврида тармоқда банд бўлган ишловчилар сони;</p> <p>B_6 – базис даврида тармоқда банд бўлган ишловчилар сони.</p>
Тармоқда қўшимча ҳар бир бирлик инвестиция ресурси ҳисобига ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари ($I_{\text{ЯИХ}}$; $I_{\text{МН}}$)	$I_{\text{ЯИХ}} = \frac{\text{ЯИХ}_x - \text{ЯИХ}_6}{I_x - I_6},$ $I_{\text{МН}} = \frac{\text{МН}_x - \text{МН}_6}{I_x - I_6}$	<p>I_x – ҳисобот даврида тармоққа киритилган инвестиция ҳажми;</p> <p>I_6 – базис даврида тармоққа киритилган инвестиция ҳажми.</p>

Барча иқтисодий жараёнларни тартибга солиниши сингари кичик тадбиркорлик фаолиятида ихтисослашув жараёнларини тартибга солишнинг ҳам икки йўналишдаги, яъни бозор ва маъмурий дастакларидан фойдаланилади.

Кичик тадбиркорлик фаолиятида ихтисослашув жараёнларини тартибга солишнинг асосий ва муҳим бозор дастаклари қаторига тармоқ фаолиятининг рентабеллик даражаси, тармоқдаги ишловчиларнинг иш ҳақи ҳамда тармоқ фаолияти учун белгиланган банк кредитлари фоиз ставкасини киритиш мумкин.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда иқтисодиёт тармоқлари бўйича кичик бизнес корхоналарининг рентабеллик даражаси уларнинг ихтисослашув жараёнларини тартибга солувчи дастак сифатида самарали таъсир кўрсатмаяпти. Республикада 2019 йилда иқтисодиёт тармоқлари бўйича кичик бизнес корхоналарининг рентабеллик даражаси ўртача 11,7%ни ташкил этган. Бирок, тармоқлар бўйича рентабеллик даражасининг фарқланиш диапазони жуда катта. Жумладан, ушбу кўрсаткич молиявий ва суғурта фаолиятида 215 фоизни, ахборот ва алоқа тармоғида 78 фоизни, ташиш ва сақлашда 38,8 фоизни, таълим соҳасида 32,6 фоизни ташкил этган. Аксинча, санъат, кўнгил очиш ва дам олиш соҳасида манфий ишора кузатилган. Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (9,6%), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (10,2%), савдо тармоғида (14,2%) ўртача кўрсаткичдан паст бўлмоқда. Яъни, кичик бизнес корхоналарининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича рентабеллик даражаси паст кўрсаткичдан юқори кўрсаткич томон ҳаракатланишига таъсир ўтказгани йўқ.

Иқтисодиётнинг тармоқ фаолиятларидаги рентабеллик даражасининг ўзгариши билан тармоқдаги кичик бизнес корхоналари сонининг ўзгариши ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд эмас. Тадқиқотчи фикрича, бунинг асосий сабаблари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1) рентабеллик даражаси юқори бўлган молия ва суғурта, ахборот ва алоқа, ташиш ва сақлаш, таълим тармоқларида фаолият юритиш учун махсус рухсат (лицензия) талаб этилиши;

2) шунингдек, ушбу тармоқ ходимларидан аксарият ҳолларда тор мутахассислик малака ва кўникмалари тақозо этилиши;

3) санъат, кўнгил очиш ва дам олиш тармоғидаги айрим фаолият турларининг бозор тавсифига эга эмаслиги; шу билан бир қаторда, мазкур тармоқдаги иқтисодий фаолият натижаларининг тўлиқ ҳисоби юритилмаслиги ва ҳ.к.

Шунга кўра, кичик бизнес корхоналарининг рентабеллик даражаси уларнинг ихтисослашув жараёнларини тартибга солувчи дастак сифатида самарали таъсир кўрсатишини таъминлаш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

хар бир тармоқнинг ишлаб чиқариш харажатлари ҳамда молиявий натижаларининг тўғри, аниқ ва тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаш;

муайян тармоқ кичик бизнес корхоналари фаолиятида лицензиялаш амалиёти тармоқдаги рақобат муҳитини сусайтириб, монопол фойда олиш имконини яратиш имконияти пайдо бўлган ҳолатларда лицензия талабларига маълум даражада «юмшатиш» меъёрларини киритиш;

иқтисодиётнинг муайян тармоқларида тор мутахассисликка эга ходимлар тақчиллигини камайтириш мақсадида турли хил ўқитиш, малака ошириш ва қайта тайёрлаш муассасаларининг фаолиятини йўлга қўйиш ва ҳ.к.

Шунингдек, кичик тадбиркорлик фаолиятида ихтисослашув жараёнларини тартибга солишнинг муҳим маъмурий дастаклари ўз ичига солиқлар, субсидиялар, тармоқ инвестиция дастурлари, тармоқ сиёсати, давлат импорт ва экспорт божлари кабиларни олади. Бундан кўринадики, Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик фаолиятида ихтисослашув жараёнларини тартибга солишнинг бозор ва маъмурий дастакларининг ўзаро уйғун ҳолда қўлланилиши мазкур соҳа фаолиятининг янада тараққий этиши ҳамда мамлакат иқтисодиётидаги улушининг сезиларли даражада кенгайишига имкон яратади.

ХУЛОСА

1. Кичик бизнес субъектларининг ихтисослашуви қуйидаги бир қатор йўналишлар бўйича рўй беради: тармоқдаги йирик корхоналар учун ишлаб чиқариш иқтисодий жиҳатдан самарасиз бўлган жараёнларни амалга ошириш, маҳсулот ёки унинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқариш; тармоқ хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, ундаги ишлаб чиқариш жараёнининг яхлитлиги ва узлуксизлигини таъминловчи иш бажариш ёки хизмат кўрсатиш; тармоқ хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, аксарият ҳолларда ундаги ишлаб чиқариш кўламининг у қадар катта миқёс талаб этмаслиги сабабли тармоқдаги асосий ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини ташкил этиш.

2. Ихтисослашув жараёнининг тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига таъсирини қуйидаги жиҳатларига кўра асосий йўналишларга ажратиш мумкин: 1) соф иқтисодий, яъни ихтисослашув натижасида ишлаб чиқариш ҳажми, тармоқ ёки иқтисодий фаолиятнинг рентабеллик даражаси, молиявий натижалар (фойда ёки зарар)нинг ўзгариши; 2) техник ва технологик, яъни ихтисослашув натижасида тармоқ ишлаб чиқаришида техник воситалардан фойдаланиш, технологик жараёнлар даражасининг ўзгариши; 3) ташкилий, яъни ихтисослашув натижасида тармоқ ишлаб чиқаришини ташкил этиш, ундаги алоқа ва муносабатларнинг амал қилиши даражасидаги ўзгаришлар.

3. Кичик бизнес корхоналарининг яқка, алоҳида фаолият йўналишига ихтисослашуви қуйидаги сабабларга кўра устунлик касб этади: 1) кичик тадбиркорлик субъектларида молиявий маблағларнинг аҳамиятли даражада чекланганлиги; 2) давлат томонидан кичик тадбиркорлик субъектлари миқдорий чегараларининг белгилаб берилганлиги; 3) кичик тадбиркорлик субъектларида техника ва технологиядан фойдаланиш даражасининг юқори бўлмаслиги; 4) олдиндан аниқ бўлган истеъмолчига ишлаш.

4. Ҳозирда Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича ихтисослашув жараёнлари учун муайян даражада бекарорлик ҳослиги кузатилмоқда. Аксарият ҳолатларда айрим тармоқларда юқори самарадорликни таъминлаш учун зарур кичик бизнес корхоналарининг улуши етарли бўлмагани ҳолда, бошқа бир тармоқларда мазкур корхоналар улушининг меъеридан ортиши натижасида рақобат даражаси кучайиши ҳамда ўртача фойда

меъёри пасайишига олиб келмоқда. Кичик бизнес корхоналарининг тармоқлар бўйича ихтисослашув жараёнларини тадқиқ этиш орқали уларнинг мақсадга мувофиқ тарзда амалга ошишига таъсир кўрсатувчи иқтисодий механизмларни таркиб топтириш муҳим ҳисобланади.

5. Ҳар бир тармоқнинг мутассади бошқарув идораси ёки вазирлиги ўзининг бошқарувидаги тармоқ фаолиятини самарали ташкил этишда кичик бизнес имкониятларидан фойдаланиши лозим. Энг биринчи навбатда, тармоқда соғлом рақобат муҳитини таъминлаш, бунинг учун етарли даражадаги кичик бизнес субъектларини ташкил этиш, агар рақобат асоссиз равишда кескинлашув даражасига етса, у ҳолда тармоққа ортиқча «босим»ни чеклаш чораларини кўриши лозим.

6. «Худуд+тармоқ кичик бизнес фаолияти харитаси» механизмини йўлга қўйиш муҳим бўлиб, бунда ҳар бир тармоқ вазирлиги ёки бошқарув идораси ўз бошқарувидаги тармоқ ёки соҳада мақбул даражадаги соғлом рақобат муҳитини вужудга келтириш учун зарур бўлган кичик бизнес субъектларининг худудлар кесимидаги тахминий салмоғини (имкони бўлса сонини ҳам) белгилайди; ҳар бир худуддаги тадбиркорликни ривожлантиришга масъул бўлган идоралар (маҳаллий ҳокимият, ССП, Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ва бошқалар) шаҳар ёки туман бўйича бизнес фаолият харитасини ишлаб чиқади.

7. Кичик тадбиркорлик фаолиятида тармоқлар бўйича ихтисослашув жараёнларининг самарадорлиги қуйидаги ҳолатлар орқали намоён бўлади: муайян тармоқда банд бўлган иқтисодий ресурслар миқдори ва сифатининг ошиши; ҳар бир қўшимча банд бўлган иқтисодий ресурс ҳисобига иқтисодий фаолият натижаларининг ўзгариши; тармоқлар бўйича тадбиркорлик капиталининг ҳар бир бирлигига тўғри келувчи самара кўрсаткичлари даражасининг ўзаро яқинлашуви.

8. Кичик бизнес субъектларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича ихтисослашувини такомиллаштириш борасидаги иқтисодий самарадорликни қуйидаги кўрсаткичлар тизими орқали ифодалаш мақсадга мувофиқ: тармоқдаги қўшимча ҳар бир бирлик харажатлар ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари кўрсаткичлари; тармоқда қўшимча ташкил этилган ҳар бир корхона ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари кўрсаткичлари; тармоқда қўшимча равишда банд бўлган ҳар бир ишловчи ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари кўрсаткичлари; тармоқда қўшимча ҳар бир бирлик инвестиция ресурси ҳисобига ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари кўрсаткичлари.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО
СОВЕТА DSc.03/10.12.2019.I.16.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ
СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ЭКОНОМИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ШАРИПОВ КУВОНДИК БАХТИЁРОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОЦЕССОВ ОТРАСЛЕВОЙ
СПЕЦИАЛИЗАЦИИ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МАЛОГО
ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА**

08.00.15 – Экономика предпринимательства и малого бизнеса

08.00.01 – Экономическая теория (экономические науки)

АВТОРЕФЕРАТ

докторской диссертации (PhD) по экономическим наукам

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2020.2.PhD/Iqt.868.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном экономическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tsue.uz) и информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Гафуров Убайдулло Вахабович
доктор экономических наук, профессор

Официальные оппоненты: Салаев Санъатбек Комилович
доктор экономических наук, профессор

Тухлиев Нурилом
доктор экономических наук, профессор

Ведущая организация: Ташкентский финансовый институт

Защита диссертации состоится «28» декабрь 2020 года в 16⁰⁰ ч. на заседании разового Научного совета на основе Научного совета DSc.03/10.12.2019.I.16.01 по присуждению ученых степеней при Ташкентском государственном экономическом университете (Адрес: 100003, 100003, город Ташкент, ул. Ислама Каримова, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51. E-mail: tdiu@tdiu.uz).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного экономического университета (регистрационный №1023) (Адрес: 100003, город Ташкент, ул. Ислама Каримова, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51. E-mail: tdiu@tdiu.uz)

Автореферат диссертации разослан «14» декабрь 2020 года.
(протокол реестра № 43 от «14» декабрь 2020 года).




Н.Х. Жумаев
Председатель разового научного совета на основе научного совета по присуждению ученых степеней, д.э.н., профессор


Б.Д. Хажиев
Ученый секретарь разового научного совета на основе научного совета по присуждению ученых степеней, к.э.н., доцент


К.Б. Ахмеджанов
Председатель научного семинара при разовом научном совете на основе научного совета по присуждению ученых степеней, д.э.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Опыт развития передовых стран мира привел к формированию четкого представления о значении и роли малого бизнеса в экономике. «Малый бизнес за рубежом стимулирует развитие конкуренции, «вынуждает» крупные компании внедрять новые технологии и улучшать эффективность производства, эффективность всей экономики напрямую зависит от успешной деятельности малого и среднего бизнеса. Поэтому развитые страны осуществляют политику поддержки малого предпринимательства, главная цель которой – сбалансирование интересов государства и бизнеса, обеспечение оптимальных условий для предпринимательской деятельности, увеличения конкурентоспособности малого бизнеса»¹. Однако малый бизнес также имеет свои особенности изменчивости в различные периоды и условия, разумное использование которых при реализации экономической политики позволяет повысить эффективность отрасли. Соответственно, в развитых странах мира проводится углубленное изучение особенностей деятельности малых предприятий в каждой отрасли и сфере экономики, принимаются меры по дальнейшему совершенствованию процессов специализации в них.

Повышение эффективности процессов отраслевой специализации в мире, совершенствование экономических механизмов их развития, оценка влияния уровня специализации на эффективность деятельности являются важными направлениями научных исследований. Также важны исследования по таким вопросам, как создание новых рабочих мест и повышения доходов населения за счет развития малого бизнеса, расширение возможностей внедрения инновационных идей и технологий в практику, формирование и реализация конкурентной среды в экономике.

Особое внимание уделяется решению проблем, связанных с созданием благоприятных условий для развития предпринимательской деятельности в Узбекистане. «В результате реформ в прошлом году создано 93 тысячи новых субъектов предпринимательства, что почти в 2 раза больше, чем в 2018 году. В рейтинге Всемирного банка «Ведение бизнеса» мы поднялись на 7 позиций, заняли 8-е место среди 190 государств по показателю регистрации бизнеса, вошли в число лучших стран-реформаторов»². Из этого можно видеть, что за счет улучшения бизнес-среды и увеличения числа субъектов предпринимательства в нашей стране достигается обеспечение основ социально-экономического развития. В настоящее время наблюдается определенная степень нестабильности, присущая процессам специализации субъектов малого предпринимательства в отраслях экономики Узбекистана; в большинстве случаев, когда доля предприятий малого бизнеса, необходимая для обеспечения высокой эффективности в одних отраслях, недостаточна, увеличение доли этих

¹ Мировые тенденции развития предпринимательской деятельности в экономике зарубежных стран. - <https://articlekz.com/article/15307>

² Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису. - <https://uza.uz/ru/posts/poslanie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyeev-25-01-2020>

предприятий в других отраслях приводит к снижению уровня конкуренции и средней нормы прибыли; посредством исследования процессов отраслевой специализации предприятий малого бизнеса важно найти экономические механизмы, целенаправленно влияющие на их реализацию.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, определенных в указах Президента Республики Узбекистан УП-5583 от 24 ноября 2018 года «О дополнительных мерах по совершенствованию механизмов финансирования проектов в сфере предпринимательства и инноваций», УП-4848 от 5 октября 2016 года «О дополнительных мерах по обеспечению ускоренного развития предпринимательской деятельности, всемерной защите частной собственности и качественному улучшению делового климата», УП-4725 от 15 мая 2015 года «О мерах по обеспечению надежной защиты частной собственности, малого бизнеса и частного предпринимательства, снятию преград для их ускоренного развития», Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-3777 от 7 июня 2018 года «О реализации программы «Каждая семья-предприниматель»», Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №28 от 16 января 2020 года «Об утверждении положений Агентства по развитию малого бизнеса и предпринимательства при Министерстве экономики и промышленности Республики Узбекистан и Государственный фонд поддержки предпринимательской деятельности» и других нормативно-правовых актах, относящихся к данной сфере.

Соответствие исследования требованиям приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового государства, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Из зарубежных ученых и специалистов по вопросам специализации в разрезе видов экономической деятельности в предпринимательской деятельности научные исследования проводились такими учеными, как Р.С.Шварц, М.В.Шатохин, И.В.Анциферова, А.Н.Васильев, Т.Ю.Кудрявцева, Н.П.Жабин, Т.В.Миролюбова, Т.В.Карлина, Т.Ю.Ковалева, С.Н.Растворцева, Е.Э.Колчинская, И.В.Манаева, Н.С.Юдин, В.А.Черкасов, Ю.С.Пиньковецкая, Н.В.Кетько, Э.В.Ситникова, В.В.Олабина, Л.П.Пидоймо, И.Р.Закирова, С.Н.Абдуллина, К.Г.Сафиуллина, Л.Р.Гатауллин, А.В.Дубинина, Д.Г.Демьянов, М.М.Махмудова, А.М.Королева, М.В.Сорокина и др.³. Общие

³ Шварц Р.С., Шатохин М.В., Анциферова И.В. Оценка показателей отраслевой специализации региона. - <https://cyberleninka.ru/article/n/otsenka-pokazateley-otraslevoy-spetsializatsii-regiona>; Ситникова Э.В., Олабина В.В., Пидоймо Л.П. Роль малого бизнеса в развитии экономики России // Известия Юго-Западного государственного университета. 2016. № 4 (21). С. 89-96.; Закирова И.Р. Сервисное предпринимательство в регионе на современном этапе развития // Современные проблемы науки и образования. 2015. № 1 (часть 1). С. 1-8.; Абдуллина С.Н., Сафиуллина К.Г., Гатауллин Л.Р. Малый и средний бизнес республики Татарстан в условиях кризиса // Казанский экономический вестник. 2016. № 4(24). С. 80-87.; Дубинина А.В., Демьянов Д.Г. Структурный потенциал малого и среднего предпринимательства: тенденции и векторы развития // Региональная экономика: теория и практика. 2015. № 4 (379). С. 47-60.; Махмудова М.М., Королева А.М. Анализ современного состояния малого предпринимательства в Тюменской области // Вестник Пермского университета. Сер. «Экономика». 2015. № 1(24). С. 69-78.; Сорокина М.В. Современное состояние и тенденции развития малого предпринимательства в строительстве // Вестник гражданских инженеров. 2016. № 3 (56). С. 304-309.; Васильев А.Н. О некоторых показателях специализации региона // Вестник ТГЭУ. 2007. №3. С. 78-85.; Кудрявцева Т.Ю., Жабин Н.П. Формирование алгоритма

аспекты зависимости от процессов специализации в развитии деятельности малого предпринимательства рассмотрены в научных работах узбекских ученых, таких как Ё.Абдуллаев, Ф.Каримов, А.Н.Самадов, Р.Ходжаев, Ш.Дж.Эргашходжаева, Ш.Юлдашев, М.С.Қосимова, Б.К.Гойибназаров, У.В.Гафуров, Д.Т.Юлдашев, Х.П.Абулқосимов, И.А.Бакиева, А.А.Кулматов, М.М.Ибрагимова и др⁴.

Несмотря на осуществленную научно-исследовательскую работу и проведенные научно-теоретические исследования, теоретико-методологические вопросы отраслевой специализации малого предпринимательства систематически не исследовались. Такая ситуация еще больше повышает актуальность предложений и выводов, представленных в диссертационной работе по спорным проблемам и их устранению.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где проводятся исследования. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планом научно-исследовательских работ Ташкентского государственного экономического университета в рамках направления ФМ-1 «Совершенствование научно-методических основ и методов обеспечения макроэкономической стабильности и прогнозирования социально-экономического развития в Узбекистане».

Целью исследования является разработка научно-методических и практических предложений и рекомендаций по совершенствованию процессов отраслевой специализации в деятельности малого предпринимательства.

Задачи исследования:

выявить новые направления современных исследований на основе систематизации теоретических представлений об экономическом содержании и основных видах процесса специализации;

исследовать основные направления влияния процесса специализации на развитие предпринимательской деятельности;

идентификации кластеров в экономике региона// Научно-технические ведомости СПбГПУ. Экономические науки. 2014. №3 (197). С. 124–131.; Мироллобова Т.В., Карлина Т.В., Ковалева Т.Ю. Закономерности и факторы формирования и развития региональных кластеров: монография. Пермь: Пермский государственный национальный исследовательский университет, 2013. 283 с.; Растворцева С.Н., Колчинская Е.Э., Манаева И.В. Эффекты модели центр-периферия на примере российских регионов// В мире научных открытий. 2013. №4.1 (40). С. 71–81.

⁴Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. – Т.: Мехнат, 2010. - 349 б.; Абдуллаев Ё., Юлдашев Ш. Малый бизнес и предпринимательство. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 339 с.; Болтабаев М.Р., Қосимова М.С., Эргашходжаева Ш.Ж., Гойибназаров Б.К., Самадов А.Н., Ходжаев Р. Кичик бизнес ва тадбиркорлик: Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2010. – 275 б.; Ходжаев Р., Эгамбердиев А. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 105 б.; Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Т.: 2008. -365 б.; Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмлари такомиллаштириш. Монография. – Тошкент: Молия, 2016. – 208 б.; Юлдашев Д.Т. Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизми такомиллаштириш. Автореф. ... иқт. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2019; Абулқосимов Ҳ.П., Кулматов А.А. Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасида оилавий тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантириш йўллари. Монография. – Т.: Университет, 2015. – 126 б.; Бакиева И.А. Ўзбекистон энгил сановатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш. Дис. ... иқт. фан. номз. - Т., 2012.; Муродова Н.К. Кичик бизнес субъектларининг тадбиркорлик фаолиятини ошириш йўналишлари. Дис. ... иқт. фан. номз. – Т., 2008.; Муфтайдинов Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. Дис. ... иқт. фан. д-ри. – Т., 2004.; Кулматов А.А. Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари. Дис. ... иқт. фан. номз. – Т., 2004; Ибрагимова М.М. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг таркибий ўзгаришлар асосида самарадорлигини ошириш (Наманган вилояти мисолида). Автореф. ... иқт. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2018.

исследовать и совершенствовать методические базы оценки уровня специализации в предпринимательской деятельности;

оценить уровень развития процессов специализации в сфере малого предпринимательства в Узбекистане;

выявить основные тенденции специализации деятельности малого бизнеса в отраслях экономики;

определить влияние развития процесса специализации на эффективность деятельности малого бизнеса и меры по ее реализации;

исследовать пути обеспечения жизнеспособности развития малого предпринимательства в отраслях экономики Узбекистана;

разработать предложения и рекомендации по гармонизации рыночного и административного рычагов регулирования процессов специализации в сфере малого предпринимательства в Узбекистане.

Объектом исследования является экономическая деятельность предприятий малого бизнеса в Узбекистане.

Предметом исследования являются экономические отношения по совершенствованию процессов отраслевой специализации в деятельности малого предпринимательства.

Методы исследования. В диссертации применены методы анализа и синтеза, индукции и дедукции, экономико-математического моделирования, статистического, корреляционного и регрессионного анализа, экспертной оценки, научной абстракции и другие.

Научная новизна исследования состоит в следующем:

метод выявления потенциальных отраслей в повышении уровня специализации предприятий малого бизнеса усовершенствован с точки зрения усиления конкуренции на основе приближения нормы прибыли конкретной отрасли к средней норме прибыли;

